

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**О.Н.Хаитов**

*СамДУ Каттақўргон филиали Бизнесни бошқариш кафедраси асисстенти*

**С.Т.Ахмедов**

*СамДУ Каттақўргон филиали Бизнесни бошқариш кафедраси асисстенти*

**Ш.А.Умрзақова**

*СамДУ Каттақўргон филиали Бизнесни бошқариш юналиши 2-босқич талабаси*

### ARTICLE INFO.

#### **Калит сўзлар:**

Оилавий тадбиркорлик, оила хўжалиги бизнеси, давлат томонидан тартибга солиш, қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорлик.

### Аннотация:

Мақола муаллифлари мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, оилавий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари ҳақида ўз фикрларини баён қилишган, мавзу юзасидан статистикаларга ҳам тўхталишган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

### КИРИШ

Жаҳонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг пировард натижаси оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Бугунги кунда оилавий корхоналар кўпгина Европа мамлакатлари, АҚШ ва Лотин Америкасида иқтисодиётнинг асосий тармоқларииниинидан бирига айланган. Жумладан, “Европа Иттифоқи мамлакатларида оилавий компанияларнинг улуши 50 %дан ортиқроқни, Лотин Америкасида 65-90 %ни, АҚШда 95 %ни ташкил қилмоқда. Шунингдек, Европа мамлакатлари ЯИМнинг 45-50 %ни, Лотин Америкаси мамлакатларининг 70%ни, Осиё мамлакатларининг 65-82% гача ЯИМни оилавий корхоналар томонидан яратилмоқда”<sup>1</sup>. Шу боис, ушбу соҳани ривожлантириш, оилаларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш дунё ҳамжамиятининг доимий диққат марказидадир.

Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши

<sup>1</sup><https://cyberleninka.ru/article/n/semeynoe-predprinimatelstvo-analiz-rossiyskoy-praktiki>.

бўйича ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда худудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди<sup>2</sup>.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон кадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда ва самарадорлигини ошириш бўйича тизимли тадқиқот фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг учинчи устувор йўналиши миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашнинг 29-мақсади “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш” этиб белгилаган. Бу вазифаларни ҳал этиш хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ишларини олиб боришни тақозо этади. Бу эса мавзунинг долзарблигини белгилайди.

### **Тадқиқот методологияси**

Ушбу мақолани ёритиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорликка оид қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, ижтимоий- иқтисодий соҳалардаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларининг мазмун, моҳияти ўрганилиб, оилавий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришнинг мавжуд иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилди.

### **Адабиётлар шарҳи**

Жаҳонда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида бир қанча илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Оилавий тадбиркорликнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти, мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, оила хўжалигида тадбиркорликнинг асосий турлари ва йўналишлари, оила даромадларининг манбалари, харажатларни камайтириш йўллари каби масалалар шулар жумласидандир. Кўпгина мамлакатларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг фаровонлигини ошириш каби йўналишлар бўйича ҳам комплекс тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Оилавий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётдаги аҳамияти кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўрганилган, жумладан, А.В.Чаянов, Г.С.Беккер, Р.Басцо, Р.Ц.Андерсон, Д.М.Рееб, Д.Прайого, Н.М.Бархатова, Г.А.Таневски, А.Волков, А.М.Ц.Валлейо, С.О.Календжян,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон

Е.В.Корчагина, В.А.Королев ва А.Черницкий<sup>3</sup> каби олимлар тадқиқотларида илмий-амалий жиҳатдан ўрганилган. Ресубликамизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари М.К. Пардаев, А.Ўлмасов, Ҳ.П.Абулқосимов, У.Д. Ахмедов, Б.Беркинов, О.М. Пардаева, И.Л. Пугач, Г.М.Шадиева, Д.Т.Юлдашев<sup>4</sup> ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодийни юксалтириш, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг фаровонлигини ошириш, яшаш даражаси ва сифатини кўтариш долзарб масалага айланмоқда.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимиз Президентининг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қароридан “Меҳнаткаш халқимизнинг қадимий касб-ҳунар анъаналари, ишбилармонлик салоҳияти оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини кенг оммалаштириш”<sup>5</sup> зарурлиги таъкидланган. Кўришиб турибдики, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг жуда кўплаб йўналишларидан бири

<sup>3</sup> А.В.Чаянов о размере семьи и крестьянского домохозяйства. // Вестник статистики. 1991, № 7, с 47.; Беккер. Г. С. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории / Г. С. Беккер : пер. с англ. / Сост., науч. ред. послесл. Р. И. Капелюшников; предисл. М. И. Левин. – М.: ГУ ВШЭ, 2003. – 672 с.; Vasco, R. Family business and regional development—A theoretical model of regional familiness. Journal of Family Business Strategy (2015), <http://dx.doi.org/10.1016/j.jfbs.2015.04.004>; Anderson R. C. and Reeb D. M. (2003). Founding-family ownership and firm performance: Evidence from the S&P 500 // Journal of Finance, no. 58, pp. 1301–1328.; Tanewski G. A., Prajogo D. and Sohal A. (2003). Strategic orientation and innovation performance between family and non-family firms. Presented at the World Conference of the International Council of Small Business. Monash University.; Tanewski G. A., Smyrnios K. X. Capital structure decision making: A model for family business //Journal of business venturing. – 2001. – Т. 16. – №. 3. – С. 285-310.; Бархатова Н. М. (1999). Семейный бизнес и семьи в бизнесе // ЭКО, № 2. (<http://ecotrends.ru/subscribe/1841-2014-03-06-10-13-03> - Дата обращения: 25.10.2015.); Волков Д. А. (2011). Стадии и жизненные циклы развития семейного бизнеса // Российское предпринимательство, Вып. 2, с. 11-16.; Календжян С. О. и Волков Д. А. (2011). Развитие семейного предпринимательства в России // Экономическая политика, № 5, с. 148-154.; Корчагина Е.В. Исследования семейного бизнеса в России: подходы к определению и концептуальные особенности. Journal of Economic Regulation (Вопросы регулирования экономики) Том 6, №4. 2015 . с. 37-45.; Королев В. А. (2007). Российский собственник на 20 летнем горизонте: структура собственности, роль семьи и корпоративное управление // Российский журнал менеджмента, № 5 (3), с. 145–174.; Черницкий А. (2008). Семья и бизнес: у «них» и у «нас» // Справочник по управлению персоналом, № 1. ([http://www.pro-personal.ru/journal/268/7535/?print=Y&sphrase\\_id=871548](http://www.pro-personal.ru/journal/268/7535/?print=Y&sphrase_id=871548)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила иқтисоди. Тошкент - “Меҳнат” – 1998.; Пардаев М.Қ. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. Самарқанд 2001й.; Shodieva, G. M. (2008). Problems of organizational and economic factors and service development in the improvement of family welfare (Doctoral dissertation, Dissertation for the degree of Doctor of Economics. Samarkand). С., 2008 й.; Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Қулматов. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари./Монография.-Т.: “Университети”, 2015.; Ахмедов У.Ҳ. Қишлоқ жойларида уй хўжалиқларининг ривожланиш истикболлари. (Монография). -Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 152 б.; Беркинов Б.Б. Уй хўжалиги иқтисодиёти. (Ўқув кўлланма).- Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 132 бет.; Муртазина Р.Б. О развитии семейного бизнеса в Узбекистане (По материалам социологического исследования)//Общественные науки в Узбекистане. №2,2012г.; Пардаева О.М. Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2020 й, 32-б.; Юлдашев Д.Т. Совершенствование экономического механизма развития семейного предпринимательства. Автореферат диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам. Ташкент, 2019 й, 54-с;

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила –тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори.// “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 8 июнь.1-2 бетлар.

хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолардир. Ушбу соҳани жадал ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунчилик базасини такомиллаштириб бориш объектив зарурият ҳисобланади. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни беқиёсдир. Оилавий бизнес имкониятларидан фойдаланиш (касаначилик, хунармандчилик, нонвойлик, уй боғча ва яслилари очиш, қўшимча дарс ўтиш ва ҳ.к.) ички имкониятлардан фойдаланишнинг муносиб йўллари билан биридир. Оилавий бизнеснинг иқтисодиётга самарали таъсирини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда ҳам 2012 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун 35 моддадан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Милан таъкидлашича “Оилавий бизнес иқтисодиёт танасининг муҳим ҳужайраларидан биридир ҳамда ўтиш даври иқтисодиёти ривожини учун зарур восита ҳисобланади”<sup>6</sup>. Бундан ташқари оилавий бизнес бандликни, тадбиркорлик капиталининг айланишини ва ялпи ички маҳсулотнинг аҳамиятли қисмини таъминловчи муайян ижтимоий-иқтисодий кучдир. Шу сабабли илмий манбаларда оилавий бизнес фаолияти билан боғлиқ бўлган кўплаб тадқиқотларини учратишимиз мумкин. Бироқ, оилавий бизнес тушунчасининг таърифи ҳозиргача илмий манбаларда ўзаро фарқ қилиб, бу тушунча бутун дунё бўйлаб турли тадқиқотларда турлича талқинлар билан ифодаланган ва аниқ бир тўхтамга келган ифодаси мавжуд эмас. Шунга қарамай, унинг илмий ҳамда мантқиқий жиҳатдан асосли бўлган тавсифларини, оилавий бизнеснинг бошқа бизнес фаолиятидан фарқли жиҳатларини ажратиш кўрсатишга доир бир қанча уринишлар мавжуд. Бунда оиланинг бизнесдаги улуши, роли, молиявий ресурслари, имкониятлари ва шунингдек, назорат механизмлари кўзда тутилади. Европада иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган 10 нафаргача ишчи-ҳодимга эга бўлган микрофирмалар ёки кичик бизнес субъектлари оилавий бизнес субъектлари ҳисобланадилар. Бундан фарқли ўлароқ, аксарият Европа мамлакатларида оилавий бизнес иқтисодиётнинг барча тармоқларини қамраб олган ҳолда йирик бизнес субъекти сифатида ҳам расмий фаолият юритади. Хусусан, Буюк Британияда оилавий бизнес сифатида қуйидагилар назарда тутилади.

- бир киши эгалик қиладиган ва ишчи-ҳодимлари сони 249 кишигача
- бўлган корхоналар;
- бир неча киши эгалик қиладиган, ишчи-ҳодимлари сони 249 кишигача
- бўлган ва ўзини оилавий бизнес деб ҳисоблайдиган корхоналар;
- 25 фоиз акцияси Буюк Британия оиласига тегишли, ўзини оилавий бизнес мақомига тенглаштирган ва 249 кишидан кўп ишчи-ҳодимларга эга бўлган йирик корхоналар<sup>7</sup>.

The Price Water House Coopers халқаро ташкилоти келтирган таърифга кўра, агар компаниянинг 51% улушига бирор бир оила аъзолари томонидан эгалик қилинса, бошқарув жамоасида оила

<sup>6</sup> www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1877042815031894 Milan Hnótek. (2015) Entrepreneurial thinking as a key factor of family business success, Procedia - Social and Behavioral Sciences, 181, 342 – 348,

<sup>7</sup> Institute for Family Business Research Foundation. (2016) “The State of the Nation The UK Family business sector 2015/16” IFB Research Foundation, www.ifb.org.uk.

аъзолари кўпчиликни ташкил қилса ва улар бизнесни бошқариш учун масъул бўлсалар, бу фаолият оилавий бизнесдир<sup>8</sup>. Бошқа тадқиқотларда ҳам оилавий бизнесни бирор бир оила ва қариндошлик гуруҳлари аъзолари томонидан бошқариладиган ва эгалик қилинадиган фаолият сифатида келтирилади<sup>9</sup>. Бунда эгалик қилиш, қарор чиқариш ва юқорига бўйсунувчи тизимнинг катта қисми оила аъзоларига тегишли бўлса оилавий бизнес сифатида қабул қилинади<sup>10</sup>. Бундан ташқари, компания ёки фирмалар иктисодиётнинг қайси секторида фаолият юритишидан қатъий назар уларнинг акциялари маълум бир оила аъзолари ва компанияларига тегишли бўлса, бу фаолият оилавий бизнес сифатида намоён бўлади, деб таъкидлайдилар<sup>11</sup>.

Шунингдек, Poutziouris ва бошқалар, оилавий бизнесга қуйидагича таъриф берадилар: “Ўз фаолияти давомида оила омили билан боғланган барча бизнес субъектлари оилавий бизнес ҳисобланади.”<sup>12</sup> Юқоридаги фикрларга қўшимча равишда оилавий бизнесга нисбатан қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: “Оилавий бизнес - бирор бир қонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бир мақсад йўлида бирлашган оила аъзоларининг қарорларига асосланган тижорий фаолиятдир.”

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунда келтирилган таърифга асосан, “Оилавий бизнес” атамаси Ўзбекистонда “Оилавий тадбиркорлик” деб юритилади ва “Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулквий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир”.

Адабиётлар таҳлили асосида олинган маълумотларга таянган ҳолда қайд этиш мумкинки, оилавий бизнеснинг Ўзбекистондаги хусусиятлари дунёнинг бошқа мамлакатларидаги оилавий бизнеснинг хусусиятларидан бир қатор жиҳатлари билан фарқланади. Буни қуйида келтирилган 1-жадвалда кўришимиз мумкин бўлади.

**1-жадвал. Оилавий бизнес фаолиятининг Ўзбекистон ва хориж тажрибаси<sup>13</sup>**

Мезонлар	Хориж тажрибаси	Ўзбекистон тажрибаси
Номланиши	Оилавий бизнес	Оилавий тадбиркорлик
Эгалик қилиш	Маълум бир қисмига эгалик қилиш билан чекланиш мумкин	100 фоиз оила аъзоларига тегишли
Ташкилий ҳуқуқий шакли	МЧЖ(LLC, LTD), компания, корпорация, ва ҳ.к. (ташкилий-	Оилавий корхона (ОК) ёки оилавий тадбиркорлик (ОТ)

<sup>8</sup> PwC. (2008) Family Business Services: Making a Difference, Family Business Survey 2007/08, available at [www.pwc.com](http://www.pwc.com), accessed 26.06.2009.

<sup>9</sup> Huang. Ding. and Kao. (2009) Salient Stakeholder Voice: Family Business and Green Innovation Adoption, *Journal of Management and Organization*, Vol. 15, No.3, pp. 309– 326.

<sup>10</sup> Lukel M. Nová I. (2005) *Psychologie podniku ni: Osobnost podnikatele a rozvoj podnikatelskych dovednosti*, In: Management Press (Ed.), Praha, 261-265.

<sup>11</sup> Kalouda F. Korčb V. Roldan Salgueiro J. L. Sanchez-Apellanis G. M. (1998) *Jak pracujn rodinnй firmy*, pp.62-75.

<sup>12</sup> Poutziouris P.Z. Smyrnios K.X. Klein S.B. (2006) *Handbook of research on family business*, In: Edward Elgar Publishing (Ed.), Northampton, pp. 765.

<sup>13</sup> [www.bjajournals.uz/](http://www.bjajournals.uz/) молия ва банк иши электрон журналы 4-сон июль 2016 йил

	хуқуқий шаклидан қатъий назар оиланинг улуши ҳисобга олинади	
Мақоми	Йирик, ўрта, кичик бизнес мақомида бўлиши мумкин	Фақат кичик бизнес мақомида фаолият юритади
Ходимлар сони	Чекланмаган	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзга тутилган кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ўртача йиллик ходимлар сонидан ошиб кетмайди
Фаолият тури	Исталган фаолият билан шуғулланиши мумкин	Қонунчиликка асосан шуғулланиш мумкин бўлмаган фаолият турлари мавжуд (масалан акциз солиғи солинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкин эмас ва ҳ.к.).


Хорижий тажрибалардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик фаолиятини йирик компаниялар кўринишида ташкил этилмайди ёки корхона асосчиси корхонанинг маълум бир қисмига эгаллик билан чекланмайди. Корхонанинг эгаллик улуши 100% оилавий корхона иштирокчиларига тегишли бўлади. Шунингдек, дунё мамлакатлари қонунчилиги тарихида, жумладан, бизнинг мамлакат қонунчилиги тарихида ҳам бугунги кунга қадар бизнеснинг “оилавий корхона” тарзидаги бутунлай янги ташкилий ҳуқуқий шакли кузатилмаган ёки бошқача қилиб айтганда қонун даражасида мустаҳкамланмаган эди. Шунингдек, Ўзбекистонда бошқа

турдаги корхоналар билан солиштирганимизда оилавий корхоналар учун қуйидаги имтиёзларлар яратилди. Биринчидан, оилавий корхона оила яшаб турган турар жойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу жойнинг ўзида сотиши мумкин. Оилавий корхонага берилган бундай имконият оилавий тадбиркорликни бошлаш ва уни самарали давом эттириш ишини анча осонлаштиради. Шунингдек, бу улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар таннархини пасайтиради. Иккинчидан, оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни улардан оилавий корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айланттириш талаб қилинмайди, бундан фаолиятнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно. Учинчидан, оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган

тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади. Хусусан оилавий тадбиркорлик субъектларига яратилган бу имкониятлар уларнинг рақобатдошлигини оширишга хизмат қилади.


Бугун республикада оилавий корхоналар сони ошмоқда. Республикада ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар сони бўйича 3-ўринни оилавий корхоналар эгаллаган бўлиб, улар 2021 йил 1 август ҳолатига кўра жами тадбиркорлик субъектларининг 10,9 фоиз улушини ташкил этган.

#### 2021 йил 1 август Оилавий корхоналар сони<sup>14</sup>



Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики республикада амалга оширилаётган тизимли ислохотлар натижасида ташкил этилган оилавий корхоналар сони 2017 йилда 11036 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилда оилавий корхоналар сони 4 бараварга ошиб 49919 тани ташкил этилган.


#### Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра<sup>15</sup>



<sup>14</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари


2016-2022 йиллар давомида оилавий тадбиркорликнинг барча иқтисодий фаолият турлари бўйича ривожланиш тенденцияси кузатилган. Саноат соҳасида уларнинг сони 2016 йилда 3188 тани 2021 йилда эса 15889 тани ташкил этган. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида шунга мос равишда 1137 ва 6340 та, савдода 1311 ва 16691, ташиш ва сақлаш 99 ва 416, Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1619 ва 8502 тани ташкил этган (1-диаграмма). Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича оилавий тадбиркорлик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари<sup>16</sup> Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган ва фаолият юритаётган оилавий тадбиркорлик субъектлари сони 2022 йил 1 январ ҳолатига кўра 9373 тага кўпайди. 2021 йилга нисбатан куйидаги тармоқларда корхоналар сонининг сезиларли даражада ошиши: савдода 12 312 тадан 16691 тага (ўсиш 4379 тага), саноатда 13 667 тадан 15 899 тага (ўсиш 2232 тага), яшаш ва овқатланиш хизматида 7295 тадан 8501 тага (ўсиш 1206 тага) кузатилди.



Республикамизда фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ихтисослашув даражасига кўра, уларнинг 16,3 %и саноат, 16,5 %и яшаш ва овқатланиш хизматлари, 35,6 %и савдо, 14,1 %и қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 8,9 %и ахборот ва алоқа, 14,5 %и қурилиш, 14,4 %и ташиш ва сақлаш ҳамда 17,8 %и бошқа фаолият турларига тўғри келади.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг маълумотлари

### Худудлар кесимида ташкил этилган оилавий корхоналар сони<sup>17</sup>



Республикамизда фаолият юритаётган оилавий тадбиркорлик субъектларининг худудлар кесимидаги улуши бўйича нотекис тенденцияни кузатиш мумкин. 2021 йил 1 январ ҳолатига кўра, уларнинг сони бўйича Самарқанд 9041 та, Фарғона 5778 та, Сурхандарё 5400 та, Сирдарё 354 та, Наманган 1165, Жиззах 1661 таси вилоятлари хиссасига тўғри келади. Бундай тенденцияни худудлар ривожланишининг бошқа кўрсаткичларида ҳам кузатиш мумкин. Бунинг турли сабаблари бўлиб, улар худудларнинг қулай географик жойлашуви, табиий ресурслари ва иқлим шароити, инфратузилма объектларининг ривожланганлик даражаси ва бошқа омиллар таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин. Албатта, бундай омиллар оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳам таъсир этган.

#### ***Олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги илмий хулосаларга келинди:***

Биринчидан, Янги Ўзбекистон иқтисодиётини барпо этиш шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, давлат томонидан оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмларини самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, оилавий тадбиркорлик фаолиятида истеъмолчиларни муаммоларини ечиш воситалари билан чиқиш лозим.

Учинчидан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, шунингдек ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш

Тўртинчидан, ҳар бир оиладан битта тадбиркор бўлишига эришиш учун, аҳоли ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида мунтазам равишда ташвиқот ишларини олиб бориш, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш.

Бешинчидан, ўрганилган тадқиқотларда худудлар ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг самарадорлигини баҳолашда оилавий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги қуйидаги фаолият турлари бўйича янада ривожлантириш тавсия этилади:

- савдо ва умумий овқатланиш (чакана савдо, миллий ошхона ва ресторанлар) хизматлари;
- миллий ҳунармандчилик, таъмирлаш хизматлари ва касаначилик;

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари

- компьютер ва замонавий ахборот технологиялари хизматлари (интернет кафе, кичик босмахона, уяли алоқага уланиш ва “пайнет” каби хизмат турлари);
- транспорт хизматлари;
- фото ва гўзаллик салонлари (келинлик либослари ва тўй ускуналарини ижарага бериш ва б).

2018-2021 йиллар мобайнида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, хунармандчилик, касаначилик ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларида бандлигини таъминлаш орқали уарнинг кўшимча ва барқарор даромад манбалари шаклланишига шарт-шароитлар яратиш борасида дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳолининг, айниқса, чекка ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг маълум бир миқдорда иқтисодий ҳолати яхшиланишига кўмак бўлди.

Шу билан бирга, кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббуслари бўйича дастурларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат иштирокидаги тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш ва банк хизматларининг оммабоплигини ошириш орқали аҳолининг кенг қатламлари, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли шерикчилик муносабатларини ўрнатиш талаб этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни, 2012йил 26-апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3268-сонли қарори.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила –тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори.// “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 8 июнь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони
7. А.В.Чаянов о размере семьи и крестьянского домохозяйства. // Вестник статистики. 1991, № 7, с 47.;
8. Беккер. Г. С. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории / Г. С. Беккер : пер. с англ. / Сост., науч. ред. послесл. Р. И. Капелюшников; предисл. М. И. Левин. – М.: ГУ ВШЭ, 2003. – 672 с.;

9. Basco, R. Family business and regional development—A theoretical model of regional familiness. *Journal of Family Business Strategy* (2015), <http://dx.doi.org/10.1016/j.jfbs.2015.04.004>;
10. Anderson R. C. and Reeb D. M. (2003). Founding-family ownership and firm performance: Evidence from the S&P 500 // *Journal of Finance*, no. 58, pp. 1301–1328.;
11. Tanewski G. A., Prajogo D. and Sohal A. (2003). Strategic orientation and innovation performance between family and non-family firms. Presented at the World Conference of the International Council of Small Business. Monash University.;
12. Tanewski G.A., Smyrniotis K. X. Capital structure decision making: A model for family business // *Journal of business venturing*. – 2001. – Т. 16. – №3. – С. 285-310.;
13. Бархатова Н. М. (1999). Семейный бизнес и семьи в бизнесе // *ЭКО*, № 2. (<http://ecotrends.ru/subscribe/1841-2014-03-06-10-13-03> - Дата обращения: 25.10.2015).;
14. Волков Д. А. (2011). Стадии и жизненные циклы развития семейного бизнеса // *Российское предпринимательство*, Вып. 2, с. 11-16.;
15. Календжян С.О. и Волков Д. А. (2011). Развитие семейного предпринимательства в России // *Экономическая политика*, № 5, с. 148-154.;
16. Корчагина Е.В. Исследования семейного бизнеса в России: подходы к определению и концептуальные особенности. *Journal of Economic Regulation (Вопросы регулирования экономики)* Том 6, №4. 2015 . с. 37-45.;
17. Королев В. А. (2007). Российский собственник на 20 летнем горизонте: структура собственности, роль семьи и корпоративное управление // *Российский журнал менеджмента*, № 5 (3), с. 145–174.;
18. Черницкий А. (2008). Семья и бизнес: у «них» и у «нас» // *Справочник по управлению персоналом*, № 1. ([http://www.pro-personal.ru/journal/268/7535/?print=Y&sphrase\\_id=871548](http://www.pro-personal.ru/journal/268/7535/?print=Y&sphrase_id=871548))
19. Ёлмасов А. Оила иқтисоди. Тошкент - “Меҳнат” – 1998.;
20. Пардаев М.Қ. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. Самарқанд 2001й.;
21. Shodieva, G. M. (2008). Problems of organizational and economic factors and service development in the improvement of family welfare (Doctoral dissertation, Dissertation for the degree of Doctor of Economics. Samarkand). С., 2008 й.;
22. Шодиева, ГМ (2006). Улучшение благосостояния домохозяйства: проблемы и пути их решения. Монография, Т.: Фан .
23. Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Кулматов. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари./Монография.-Т.: “Университети”, 2015.;
24. Ахмедов У.Ҳ. Қишлоқ жойларида уй хужалиқларининг ривожланиш истиқболлари. (Монография). -Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 152 б.;

25. Беркинов Б.Б. Уй хўжалиги иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма).- Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 132 бет.;
26. Муртазина Р.Б. О развитии семейного бизнеса в Узбекистане (По материалам социологического исследования).//Общественные науки в Узбекистане. №2,2012г.;
27. Пардаева О.М. Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2020 й, 32-б.;
28. Юлдашев Д.Т. Совершенствование экономического механизма развития семейного предпринимательства. Автореферат диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам. Ташкент, 2019 й, 54-с.;
29. Сирополис Николас К. Управление малым бизнесом. М.: Дело, 1997. – 283-284 стр.
30. Лапушта М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2008. – с.511.
31. Крапчина Л. Н. Приоритетные направления господдержки малого и среднего бизнеса в некоторых странах СНГ // Актуальные вопросы экономики и управления: материалы II междунар. науч. конф. (г. Москва, октябрь 2013 г.). — М.: Буки-Веди, 2013. — С. 19-22.
32. Курбанова А.А. Современное состояние и проблемы развития кредитования малого и среднего бизнеса // Проблемы современной экономики: материалы IV междунар. науч. конф. (г. Челябинск, февраль 2015 г.). — Челябинск: Два комсомольца, 2015. — С. 51-56.
33. Institute for Family Business Research Foundation. (2016) “The State of the Nation The UK Family business sector 2015/16” IFB Research Foundation, [www.ifb.org.uk](http://www.ifb.org.uk).
34. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами
35. [www.stat.uz](http://www.stat.uz). -Республикаси Статистика қўмитасининг расмий сайти